

## **ҲАЙДОВЧИННИГ МАДАНИЯТИ ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АХЛОҚИЙ АСОСИДИР**

**Холдаров Фидокор Эркинбай ўғли,**  
*ИИВ Академияси Автомобиль тайёргарлик кафедраси ўқитувчиси*

**Аннотация:** Ушбу мақола ҳайдовчининг маданияти йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашидир, асосида алгаритимини ва дастурий мажмуасини тузни ҳақида бўлиб мавзу юзасидан тадқиқотчи олимларнинг фикр ва мулоҳазалари чуқур ўрганиб чиқилди. Автотранспорт воситаларининг йўлларда ҳаракатланиши самарадорлигини ошириш ва хавфсизлигини таъминлашининг асосий йўналишларидан бири интеллектуал соҳада транспорт интеллектуал тизимларини шакллантириши ва интеллектуал технологияларни жорий этиши билан боғлиқлиги долбзар масалалиги мамлакатимизда ушбу тармоқлардаги муаммоларни ва бошқа соҳа муаммоларни ҳам ҳал этилишига эриши қўзда тутилган.

**Калим сўзлар:** Автотранспорт, йўлларда, ҳаракатланиши, самарадорли, хавфсизлигини таъминлаш, транспорт, интеллектуал, Инсонпарварлик принципи, Ҳайдовчининг маданияти ва этикаси.

Ахлоқ принципларини бирон-бир шахс яратмаган, у муайян ижтимоий муносабатларга мувофиқ, моддий ва маънавий ҳаёт жараёнида кишилар ижтимоий турмушининг, ахлоқий муносабатларининг талабларини бирмунча умумлашган ҳолда акс эттирадиган ахлоқий онг шакллари сифатида вужудга келган қонун-қоидалар ҳисобланади. Шунга кўра, умуминсоний ахлоқ принциплари деб жамиятнинг маънавий онгида ишлаб чиқилган, инсоннинг маънавий моҳиятига, бурчига, ҳаётининг мазмунига ва кишилар ўртасидаги ўзаро талаб-ларнинг табиатига таалуқли бўлган умумий талабларни акс эттирадиган, инсонлар фаолиятининг умумий йўналишини кўрсатиб берадиган ва муайян ҳулқ-атвор нормаларига асос бўлиб хизмат қиласидаган қонун-қоидаларга айтилади.

Умуминсоний ахлоқ принципларига қуйидагилар киради: инсонпарварлик, ўзаро ёрдам, ишонч, ҳамжаҳатлик тинчликсеварлик, ватанпарварлик, адолатлилик, одамийлик, қонунийлик ва х.к.

**Инсонпарварлик принципи.** Инсонпарварлик икки маънода, биринчидан амалий фаолият, яъни инсоннинг озодлик ва тенглик учун олиб борадиган кураши; иккинчидан, дунёқарааш, мафкура, сиёsat, ахлоқ, тарбия сифатида тушунилади. Бу икки томон доимо бир-бирини тўлдириб туради.

Инсонпарварлик одамларга меҳр-муҳаббат билан қараш уларнинг ҳақ-хукуқларини хурмат қилиш, баҳт-саодати, ҳар томонлама камол топиши ҳамда ижтимоий ҳаётда инсон учун қулай шарт-шароитлар яратиб бериш ҳақида ғамхўрлик қилишни ифодаловчи олижаноб туйғулар, қарашларнинг мажмуидир. Инсонпарварлик ахлоқий принцип сифатида кишиларнинг

хулқини бир-бирига ҳурмат ва ғамхұрлық, инсоннинг күч-қудратига ишонч руҳида тартибга солиб борадиган хатти-харакатларни билдиради.

***Инсонпарварлык принципининг ахлоқий мазмунини қуйидагилар таскил этади:***

–инсон олий даражадаги қадрият деб тушуниш унинг ижодий күч ва қобилиятларининг, имкониятларининг чексиз камол топишига ишониш;

–хар бир инсонни қадр-қимматини, шахсий дахлсизлигини, әркін яшашини, моддий ва маънавий әхтиёжларини қондириш, баҳт-саодатга еришишларини талаб қилиш;

–хар бир инсонни моддий ва маънавий қадриятларининг яратувчиси сифатида, унинг ёши ва жинси, ирқи, миллати, тили ва динидан қатын назар, ҳурмат қилиш;

–әркак ва аёлларни, қария ва болаларни, барча ирқ ва миллат вакилларини уларнинг инсонийлигига қараб ҳурмат қилиш;

–ўзгаларнинг тақдирига бефарқ қарамаслик, инсониятнинг баҳт-саодати йўлида тинмай меҳнат қилиш ва керак бўлса, ўзини қурбон қилишга тайёрлик ва шу кабилар киради. Инсонпарварлык принципи ўзининг ҳуқуқий ифодасини

**"Инсон ҳуқуқлари умумжасон декларацияси"** (1948 йил 10 декабрь), **"Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси"** (1992 йил 8 декабрь) каби ҳужжатларда топган. Ўзбекистоннинг янги таҳрирдаги Конституцияси 30.04.2023 қабул қилинди. Унга қўра Ўзбекистоннинг 65 фоизга янгиланган ва анча "тўлишган" бош қомуси 1 майдан эътиборан кучга кирди. Бу қонуннинг 1-моддасига Конституциянинг янги таҳрири илова қилинган. Бунга қадар 1992 йилдан буён конституцияга жами 15 марта ўзгартиш киритилган эди. Бу сафар эса ўзгаришлар кўлами катталиги сабаб ҳужжатнинг янги таҳрири қабул қилинди. Янгиланиш натижасида, бош қомусдаги моддалар сони 128 тадан 155 тага, ундаги нормалар эса 275 тадан 434 тага ошди. Умуман, конституция 65 фоизга янгиланган.

***Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида:***

– "Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир ва қонун билан муҳофаза қилинади. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир"

(25-модда);

– "Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашибдан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлигига эга" (31-модда);

– "Ҳамма учун виждон әркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон ҳохлаган динига эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга.

Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди" (35-модда),-дейилган.

Булар Конституциямизнинг нихоятда инсонпарвар руҳдаги қонун эканлигини кўрсатади.

Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлатни барпо этишнинг маънавий негизларидан бирини инсонпарварлик ташкил этади. Инсонпарварлик принципини амалга оширмасдан туриб, халқимизнинг азалий орзуси бўлган фуқаролик жамиятини барпо этиб бўлмайди. Инсонпарварлик хислатлари эса халқимизнинг қон-қонига, жон дилига сингиб кетгандир.

Ҳар бир инсонга, у ким бўлишидан қатъий назар, тўғри муомала қилиш зарур, уришмаслик, бақирмаслик, ҳақорат қилмаслик, шахсиятига тегмаслик керак. Улар билан доимо яхши муомалада бўлиб, самимий мулоқот қилиш лозим.

Инсонпарвар ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини бунёд этиш жараёнида инсонни, унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш энг долзарб масалалардан бирига айланиб бормоқда.

### **"Умуминсоний ахлоқ нормалари" тушунчаси**

"Умуминсоний ахлоқ нормалари" тушунчасида "Норма" – лотинча сўз бўлиб, ўзбек тилида:

1) расмийлаштирилган қонун-қоида. Умум томонидан қабул қилинган, ҳамма учун мажбурий деб ҳисобланган, қонун хукмига кирган тартиб-қоида.

2) бирор нарсанинг, ишнинг аниқ белгиланган ўлчами, миқдори, меъёри деган маъноларни англаатади<sup>11</sup>.

**Ахлоқ нормалари** деб бир хилдаги иш-амалларга жорий қилинадиган умумий буйруқлар ва тақиқлар орқали кишилар хатти-ҳаракатини тартибга солувчи ахлоқ-одоб талабларининг шаклига айтилади<sup>12</sup>. Ахлоқ нормалари икки хил қўринишда, яъни ахлоқий муносабатларнинг таркибий қисми ва ахлоқий онг шаклларида мавжуд бўлади. Ахлоқ нормаларининг биринчи шакли кўпчилик кишиларнинг бир хилдаги хатти-ҳаракатлари туфайли келиб чиққан ва кейинчалик барча учун бажарилиши шарт қоидалар тусини олган нормалардир. Иккинчи хил қўринишдаги ахлоқий норма инсон онгида ўз аксини топган муайян қоида сифатида намоён бўлади (масалан, "йўл ҳаракатини бузма", "қоидага риоя қил" ва ҳ.к.), яъни буйруқ майлилик хусусияти кўзга ташланди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, агар ахлоқ принциплари-умумлашган ахлоқий тушунчалар бўлса, ахлоқий нормалар уларни муайянластиришга хизмат қиласи, яъни ахлоқий принципларга риоя қилиш учун қандай

ахлоқий хислатлар зарурлигини, бунда киши иродаси қай тарзда намоён бўлиши кераклигини кўрсатади. Ахлоқ нормалари нафақат элементар ахлоқий онг, балки шу билан бирга, кишиларни ҳаракатга ундовчи мотив ҳамдир. Улар маънавий ва амалий ҳодисаларнинг синтези сифатида нима қилиш мумкину, нима мумкин эмаслиги, у ёки бу шароитда қандай ҳаракат қилиш керагу, нимадан ўзимизни тийишимиз лозимлигини кўрсатган ҳолда хулқимизни йўлга солади, яъни мумкин ва номумкинлик меъёрини белгилаб беради. Ҳайдовчилар ахлоқининг нормалари умумийликдан хусусийликка ва ундан алоҳидаликка қараб амал қилган ҳолда ҳайдовчиларнинг ўз хулқий хатти-ҳаракатларини содир этишда нима қилиши лозимлигига эмас, балки унинг қандай бўлиши кераклигига қўйиладиган талаб тарзида намоён бўлади. Шундай қилиб, ахлоқ нормалари бир вақтнинг ўзида талаб ва баҳо нормалари шаклини олади, яъни жамият, давлат, ҳайдовчиларга маънавий-ахлоқий омил бўлиб ҳам хизмат қиласди. Ҳайдовчилар ахлоқининг нормаларига қўйидагилар киради: хушмуомалалик ва одоблилик,

оддийлик ва камтарлик, ҳалоллик ва ростгўйлик, очик кўнгиллилик ва дангалчилик, сахийлик ва муруватлилик, ўзаро хурмат, дўстона муносабат, самимилик, сиполик, катталарни ҳурмат қилиш ва бошқалар.

**Хушмуомилалик ва одоблилик.** Ҳайдовчилар амал қилиши зарур бўлган ахлоқ нормаларидан бири хушмуомилалик ва одоблиликдир.

### **Хушмуомилалик**

ўзга кишиларга бўлган ички ҳурматнинг ташқи кўринишидир. Унинг ўнта белгиси бор. Улар қўйидагилар: инсоф, ақл, илм, олижаноблик, кўркам феъл, яхшилик, сабр, шукр, мулойимлик. Мана шуларга амал қилган ҳар бир ҳайдовчи ҳамиша ва ҳар қандай ҳолатда инсонлар билан одоб доирасидан чиқмасдан мулоқатда бўлади.

**Хушмуомилалик** – кўнгилдаги ардоқли фикрларни, энг ноёб ҳистуйгуларни, энг эзгу ниятларни одамлар билан баҳам кўриш, осойишталик, вазминлик, хотиржамлик билан иш тутиш демакдир.

**Одоблилик** – яхши тарбия кўрганликнинг намоён бўлиши, хатти-ҳаракатларда, сўзлашувда меъёри, чегарани, мувофиқлик ва номувофиқликни билишдир. Одоблиликнинг асосий белгиси - ўзини тута билиш, ҳукм чиқаришда шошмаслик, кишиларнинг орқасидан ғийбат қилмаслик, ўзгалар фикрини тинглай билиш, ширинсўзлик ҳисобланади.

Одоб бўлмаган жойда маънавият бўлмайди. Аждодларимиз айтганидек:

"Одаби йўқнинг ақли йўқ, одобсиз ақл, ақлсиз одоб йўқ. Одоб икки хилдир: ҳикмат одоби ва хизмат одоби, ҳикмат одоби поклик ва тўғри йўлга етаклайди, хизмат одоби эса бадавлатлик ва обрўга етказади"

Халқимизнинг хушмуомилалик ва одоблилик ҳақидаги фикрларига амал қилиш ички ишлар идоралари ходимларининг обрўсини оширади ва уларга нисбатан халқнинг ишончини кучайтиради.

**Ҳалоллик ва ростгўйлик.** Ҳалоллик – ҳар бир инсоннинг ўз кучи билан меҳнат қилиши, шунинг эвазига топган мол-мулки, обрўси, жамиятда тутган ўрни, хулқининг тўғрилиги, сўзида қатъийлик ва садоқатнинг мажмуасидир.

Ҳаётда, ҳайдовчилар касбининг вазифасини бажаришда ҳалоллик ҳайдовчи учун зарурий бўлган ахлокий талаб ҳисобланади. Ҳайдовчиларнинг хатти-ҳаракатларидағи ҳалоллик улар хулқининг тўғрилиги, сўзида қатъийлиги, умрининг охиригача ўз принципларига содик қолишида кўринади. Шунинг учун ҳам ҳалоллик кишига улкан ахлоқий қониқиш бағишлийди.

Ҳалоллик тўғрисида жаҳонга машхур донишмандлар шундай деганлар: Ақлнинг ҳалоллиги ҳақиқат олдида чекинмай, унга интилиш, ҳар қанча қийин бўлганда ҳам уни топиш, енгил, қулай, яrim-ёрти хулосалар, ҳақоратли сохта-гарчиликлардан жирканишдадир. Мустақил изланиш, ҳукм чиқариш ва ўзича ҳал эта олиш журъатига эга бўлишдадир. Мустсқил фикрлаш журъатидадир. Инсон бўлишликдадир. (Р.Роллан)

Ҳалол одамни таъқиб этиш мумкин, аммо уни бадном қилиб бўлмайди.

Одам қанчалик ақлли ва эпчил бўлса, ҳалоллигини йўқотиш билан шу қадар бадҳоҳ, адоватчи бўлиб қолади. (Цицерон)

Ҳалоллик ҳар қандай мартабани безайди. (Ф.Шиллер)

Ҳалоллик энг яхши ва айни пайтда энг тўғри фаолият тарзидир.

**Ростгўйлик** – ҳалолликнинг бир кўриниши бўлиб, ҳақиқатни гапириш, ўзининг ҳам, ўзгаларнинг ҳам қадр-қимматини тўғри баҳолаш, яхшини яхши, ёмонни ёмон деб очиқласига айтишдир. Ростгўйлик ҳайдовчиларнинг ажралмас ахлоқий фазилати бўлмоғи керак. Бу хусусда **Т.Драйзер**: "Ростгўйлик - ҳаёт нафаси, ҳар қандай фазилатнинг негизи", -деган бўлса, **Хусайн Вонз Кошифий**: "Ростгўй одам тонг каби беғубордир. Ростгўй бўлишга ҳаракат қилсанг, ишинг ўнгланиб, юришиб, жонинг осуда бўлади", - деб, хақ гапни айтган эдилар. Ҳайдовчиларда касб ахлоқи нормаларидан ўрин олган ҳалоллик ва ростгўйлик, ҳар бир ҳайдовчидан йўл ҳаракати қоидаларини бузмасликни талаб қиласади, бу эса уларнинг йўл ҳаракати қоидаларини пухта бажаришларига олиб келади.

**Хушёрлик** – ҳайдовчиларининг касб ахлоқи нормаси сифатида ҳайдовчи-лардан доимо бедор ва огохликда бўлишни, ахлоқ, ва қонун талабларини бузиш-ларига йўл қўймасликни, бунинг учун эса ўзларининг бор имкониятларини ишга солишларини талаб этилади.

Хушёрлик – йўл транспорт ходисаларининг олдини олишдаги асосий восита, усуллардан энг муҳими. Унинг талабларини бажариш ҳар бир ҳайдовчининг муқаддас бурчидир.

**Ҳаёлилик ва покизалик.** Ҳаёлилик ва покизалик ҳам касб ахлоқи нормалари ҳисобланади.

**Ҳаёлилик** - бу уялиш, хижолат тортиш, ўзини ҳар хил ножуя ҳатти-ҳарақатлардан тия олиш демакдир. Бу тўғрида улуғ аждоддаримиз шундай деганлар: Ҳаё имондандир. Ҳаёли, одобли бўлмоқ, ҳар вақт хайрли ишларга сабаб бўлади. (Хадислардан)

Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ. Ҳаёсиз инсон - имонсиздир. Имонсиз эса инсон эмасдир. (Алишер Навоий)

Иффатнинг пардаси, виждоннинг никоби ҳаёдир. Ҳаё пардаси ила уралмиш инсонларнинг иффат пардаси йиртилмас. (Абдулла Авлоний)

Инсонда доимо турадиган хусн ва латофат ҳаё ила иффатдир. Ҳаёсиз юз жонсиз жасад кабидир. (Ибн Сино)

**Покизалик** - бу тозалик ва софлик дегани. Тозалик-инсон саломатлигининг гарови. У касб ахлоқининг нормаси сифатида ҳар бир ҳайдовчидан кийим-кечагининг, афт-ангорининг ҳамда қалбининг пок бўлишини, ейиладиган таомларига ҳаром аралашмаслигини, луқманинг ҳалол бўлишини талаб қиласди.

### **Ҳайдовчининг одоб-ахлоқи тушунчаси ва унинг асосий талаблари**

Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш сифатини ошириш ҳайдовчилар маданиятини шакллантиришдан бошланади. Автотранспорт воситасига ўтирган ҳайдовчи эрталабда соқолини олиб, сочини тартибга келтириб, эгнига жамоат жойида кийиш мумкин бўлган кийимларни кийиб, йўловчиларга хушмуомалада бўлиши унинг маданиятидан далолатдир.

Маданият қаердан пайдо бўлади? Маънавият оқсаган жойда маданият қоқилаверади. Инсон зоти ким бўлишидан қатъий назар, ўз соҳасига оид адабиётларни, қўлланмаларни, ҳеч бўлмагандан икки сатр қораламаларни ўқимас экан, билим олмас экан, унинг маънавияти қашшоқлашиб бораверади. Маънавиятсиз одам эса инсон шаклидаги мавжудодга айланади.

Бугунги кунда автомобиллар сонининг ошиши натижасида аҳолига транспорт хизмати кўрсатадиган автомобиллар сони ҳам ортиб бормоқда. Ана

энди, мана шундай катта гурухга маданият нечоғли кераклигини бир ўйлаб кўрайлик. Маълумки, аждодларимиз одоб-ахлоқ, инсонпарварлик (гуманизм) ғояларига устиворлик бериб, фозил инсон, ориф инсон, комил инсон ғояларини яратишган. Шарқда одоб-ахлоқ ижтимоий муносабатларнинг генезисини ташкил этган. Буюк мутафаккирлар инсонлар томонидан яратиладиган қонунлар, одоб-ахлоқ қоидаларига зид бўлмаслиги, халқнинг менталитети ва қадриятларига мос бўлишинии уқтириб келишган.

Ахлоқ-одоб инсон маънавиятини белгиловчи муҳим омил ҳисобланади. Ахлоқ нима деган саволга – Абдулла Авлоний фикрича, инсонни фақат яхшиликка чақиравчи ва ёмонликдан қайтаргувчи илмдир<sup>15</sup>. Ҳайдовчилар

фуқаролар билан яхши муомалада бўлиши уларнинг ҳукуқларини, эркинлик ва қонуний манфаатларини ҳурмат қилиши, огоҳ бўлиши, ўз билим ва касбий

кўникмаларини доимий равиша тақомиллаштириш, малакаси ва маданиятини ошириш, иш вақтида ва хизматда бўлмаган вақтда ўз шаъни ва обрўсими сақлаши, жамоат тартибини сақлаш ва одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этишда намуна бўлишга мажбурдирлар. Одоб-ахлоқ қоидалари касбий этиканинг умумий тамойиллари ҳайдовчининг хизматга оид хулқ-атворининг асосий қоидаларидан таркиб топади. Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши ходим фаолияти самарадорлигини баҳолашда асосий мезонлардан бири бўлади.

**– касбга оид фазилатлар:** профессионаллик, қонунларга риоя этиш, фуқароларнинг ҳукуқ ва қонуний манфаатларини ҳурмат қилиш, ташаббускорлик, глобал интернет тармоғидан фойдалана олиш, касбга оид инновацион технологияларни билиш ва илғор хорижий тажрибадан хабардорлик, ўз бурчига содиқлик, мардлик, жасурлик, фидоийлик, масъулият, қатъиятлилик.

Ҳайдовчилар биринчи навбатда яхши хулқ эгаси маданияти бўлмоғи лозим. Яхши хулқ уларнинг безаги.

### Ҳайдовчининг маданияти ва этикаси

Фанда маданият, касбий маданият ва ҳайдовчиларнинг касб маданияти тушунчалари ишлатилади. Маданият деганда инсоният томонидан яратилган моддий ва маънавий қадриятлар тушунилади. Касб маданияти бу – маҳсус фаолият турини муваффақиятли амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва қобилиятнинг юқори бир даражасидир. Ҳайдовчиларнинг касб маданияти умуминсоний маданиятнинг таркибий қисмидир. Шундан келиб чиқкан ҳолда ҳайдовчиларни ўз фаолиятида умуминсоний маданият ва ҳайдовчининг касб маданияти талабларига риоя қиласи. Ҳайдовчининг касбий маданияти деганда хизмат олиб бораётган кишининг ўз хизмат вазифаларини

қонун, ахлок, хуқук жиҳатидан юқори даражада амалга оширишини тушунамиз. Ҳайдовчиларнинг касбий маданияти ўзида хуқуқий ва ахлоқий маданиятни, муайян меҳнат турининг ижтимоий аҳамияти тўғрисидаги тасаввурларни қамраб олади. Ҳайдовчиларнинг касбий маданиятининг асосий жиҳати меъёрий характерга эгалигидадир, яъни ҳайдовчиларни маданий қиёфасига талаблар меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар билан белгиланганлигидир. Ҳайдовчиларнинг касбий маданияти уларни фуқаролар билан муомаласи, фуқароларни хукуклари, манфаатлари, қонунчилик, жамоат тартиботини мавжуд бўлган қонунлар, ахлоқий-хуқуқий меъёрларга суюнган ҳолда ҳимоя қилиши, ҳамда кийинишида намоён бўлади.

Ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда инсон йўл ҳаракатининг асосий иштирокчилари бўлиб, ҳайдовчи, йўловчи, пиёда ҳаракатни ташкил қилувчи сифатида қатнашади. Буларнинг ичида ҳайдовчи ҳаммасидан кўра муҳим ўрин эгаллайди. Шунинг учун ҳайдовчининг психологик, физиологик ва биологик имкониятларини ҳаракатни ташкил қилишда эътиборга олиш лозим бўлади.

**Этика** – бу инсон ҳаётининг энг муҳим томонларидан бири ҳисобланган ахлоқ-одоб масалаларини ўрганувчи фалсафий фан бўлиб, инсонга унинг ўз хусусиятидан келиб чиқиб, тўғри ҳаёт йўлини ўргатади. Шунинг учун ҳам этика ўзида инсон турмуши назариясини, ҳиссиётини ўрганишни ва айни вақтда фаровон ҳаёт, баҳт-саодатга эришиш йўллари ҳақидаги таълимотни қамраб олади. **Ҳайдовчининг этикаси** – унинг интизомлилигига, жавобгарликни ҳис этишида, жамоага муносабати каби ахлоқий сифатларида намоён бўлади. Меҳнатсеварлик, одамларга меҳрибонлик, камтарлик яхши ва ишончли одамларга хос фазилатлардир. Ишга қизиқмаслик, манманлик, қўполлик, атрофдагиларни ҳурмат қилмаслик, тартиб интизомни хуш кўрмаслик, ЙТҲни содир этишга мойил шахснинг сифатларини намоён қиласди. Ҳайдовчиларнинг интизомсизлиги, одатда, йўлларда ҳаракатланиш қоидаларини менсимасликда кўринади. Ҳайдовчи фақат ўзини хавфсизлигига эмас, балки бошқа ҳаракат иштирокчиларини ҳам хавфсизлигини ўйлаши керак. Фақат ўзи қоида талабларига қатъий риоя қилмасдан бошқаларнинг ҳам хатти-ҳаракатини кузатиб туради. Масалан, шаҳарларда айрим ҳайдовчилар бурилиш пайтида қоида талабини менсимасдан қатнов қисмидаги пиёдаларни ўтказиб юбормайдилар. Пиёдаларни ўтказиб юбориши керак бўлган ҳайдовчи уларга жуда яқинлашиб, товушли ишоралар ва дағ-даға қилиб қўрқитиш ҳоллари ҳам учрайди. Кўпчилик ҳайдовчилар огоҳлантирувчи ишоралар беришга ҳожат йўқдек иш кўрадилар, ёки уларни ишораларидан хатти-ҳаракатларини тушуниш қийин бўлади. Ҳаракат иштирокчилари нокулай

вазиятда ёки чорраҳада танг ахволда қолғанларида уларга нисбатан ҳайдовчиларнинг бефарқ бўладиган ҳолатлари ҳам учрайди. Масалан, қўшни қаторга қайта тизилаётган ҳайдовчига нисбатан, иккинчи ҳайдовчи тезликни камайтириш ва оралиқ масофани ошириб, унга ёрдам бериш ўрнига, аксинча масофани қисқартиради. Баъзи бир пайтларда чорраҳа олдида двигатель ишламай ўчиб қолади. Бундай ҳолларда ушбу ҳайдовчининг ахволини тушуниш ва сабр тоқат қилиш ўрнига, унга нисбатан ҳақорат, қўполлик, ҳатто айрим ҳайдовчилар жуда баланд ва узлуксиз товушли ишораларни бериб ўтиб кетадилар. Ҳатто энг тажрибали ҳайдовчи ҳам шундай танг ахволга тушиб қолиши ва атрофдагиларнинг унга билдирган муносабатидан ўзини йўқотиб, саросимага тушиши ҳеч гап эмас. Шундай экан, ҳар қандай ҳайдовчи бошқаларнинг ёрдамига муҳтожлик ҳолатига тез-тез тушиб туради. Агар ҳаракат иштирокчилари ўзаро хушмуомалада бўлиб, хайриҳоҳ ва ёрдам беришга тайёр бўлсалар, ЙТҲ сони анча камаяди ва кўнгилсиз ҳодисаларнинг олди олинади. Ҳайдовчининг йўлга чиқиши олдидан ёки йўлда спиртли ичимлик истеъмол қилиши тартиб-интизоми ва фаросати йўқлигининг энг оғир ва хавфли кўриниши ҳисобланади. Ҳайдовчи фаолиятини назорат қилмайдиган жамоаларда бундай салбий ҳатти-ҳаракатлар тез-тез учраб туради. Спиртли ичимлик ёки наркотик модда истеъмол қилганидан кейин иш қобилиятининг пасайиши кузатилади ва ҳаракатланиш хавфсизлигига салбий таъсир этиб, хавф-хатарни янада оширади. Инсонларнинг ўзаро муносабатлари жуда мураккаб, нозик, маълум бир қолиплар билан белгилаб бўлмайдиган жараёндир. Юқори даражадаги хавфли манба ҳисобланган транспорт воситасини йўлларда бошқариш жараёнида ҳайдовчи билан бошқа ҳайдовчилар, йўловчилар, пиёдалар, давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари маълум даражада муносабатда бўладилар. Шу муносабат билан, йўлларда одобли бўлишга жиддий эътибор берилишини билиш керак. Ҳаракатда иштирок этадиган ҳайдовчилар-нинг ахлоқ-одоби ва уларнинг ўзаро атрофдагилар билан муносабатидан хавфсиз ҳаракатланишнинг замини яратилади. Ҳайдовчилар асосий эътиборни йўловчиларнинг хавфсизлигига таъсир этадиган сўзлашиш маданиятига, яъни йўловчилар ва бошқа шахслар билан муносабатда бўлиш маданиятига қаратишлари лозим. Жамият-турли ёшдаги, ҳар хил характер ва ҳар хил касб-ҳунар эгаларию, турли миллатга мансуб шахсларнинг мажмуудир. Ижтимоий ҳаётдаги шахслараро муносабатлар психологияси ҳар хил кишиларнинг бир-бири билан алоқасидан, ижтимоий меҳнатда сиёсий, иқтисодий муаммоларни ҳал этишда қатнашувидан, моддий-маънавий бойликлар яратишидан, уйда, кўча-куйда ўзини тутишидан, руҳий

ҳолатлари ҳамда муомала маданиятидан келиб чиқади. Шахслараро муносабатлар психологиясининг келиб чиқишида, шубҳасиз, ҳар бир миллатнинг хусусиятлари ўз таъсирини қўрсатади. Масалан, ўзбекларга хос бўлган катталарга ҳурмат, бетга чопмаслик, оғир вазминлик каби фазилатлар мухитга ижобий таъсир қўрсатади. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, **ҳайдовчининг асосий эътиборини ҳаракатланиш жараёнида йўловчилар ва бошқа шахслар билан яхши муносабатда бўлиши**, пиёдалар, айниқса, болалар, ногиронлар, қарияларга ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чорала-рини кўриши унинг касбий этикасини намоён қилиши билан биргаликда ҳаракат ҳавфсизлигини таъминлашда ҳам мухим омиллардан бири ҳисобланади.

#### **Адабиётлар:**

1. Қаранг: Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. - Т.: Фан, 1990 - 46-б
2. Абулла Авлоний Туркий гулистон ёхуд ахлоқ.- Т.: Ўқитувчи, 1992, 51,52,54, 55-б.
3. Karimov, O., Irgashev, J., & Khoddarov, E. (2024). WAYS OF IMPROVING THE ADMINISTRATIVE-LEGAL MECHANISMS OF ENSURING ROAD TRAFFIC SAFETY. В INTERNATIONAL BULLETIN OF APPLIED SCIENCE AND TECHNOLOGY (T. 4, Выпуск 1, сс. 277–287). Zenodo. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10610384>
4. Makhmudova, G. N., & Gulomova, N. F. (2023). Unlocking the potential of the digital econ-omy in the EAEU countries: identifying and overcoming obstacles. π-Economy, 16 (4), 7–25. DOI: [https://doi.org/10.18721/JE\\_16401](https://doi.org/10.18721/JE_16401).
5. Гуломова, Н. (2022). Основные компоненты развития «умного» туризма в регионах. Направления развития благоприятной бизнес-среды в условиях цифровизации экономики, 1(01), 63-67.
6. Шермухамедов, А. А., & Ходаров, Ф. Э. ў. (2023). МЕТОДИКА РАСЧЕТА ИНТЕНСИВНОСТИ ИЗНОСА И ПРОБЕГА ШИН СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫХ ТРАНСПОРТНЫХ СРЕДСТВ. RESEARCH AND EDUCATION, 2(4), 231–247. Retrieved from <https://researchedu.org/index.php/re/article/view/3234>
7. Ikromjonovna, J. S. (2024, March). Methods of Teaching Mathematics in Primary Classes. In International Global Conference (Vol. 1, No. 4, pp. 19-25).
8. Ходаров, Ф. Э. ў. (2022). Maxsus транспорт воситалар тизимида инновацион интеллектуал ёндашув. Academic research in educational sciences, 3(TSTU Conference 1), 124-129.
9. Махмудова, Г. Н., & Гуломова, Н. Ф. (2023). Проблемы формирование цифровой экономики в странах ЕАЭС. In Интеллектуальная платформенная экономика: тенденции развития (pp. 10-48).